

Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOIIY-IQTISODIIY GAZETASI

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

1974-yil 1-yanvardan chiqqa boshlagan

2025-yil 1-oktabr, chorshanba

39 (9359)

e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru

@Qishloqhayoti_gazetasi

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Сиз, азизларни, ҳаётини дунёдаги энг улуг ва олижаноб ишга – навқирон авлод таълим-тарбиясига бағишлаган муҳтарам устоз ва мураббийлар, соҳанинг барча жонқуяр ходимларини умумхалқ байрами – Ўқитувчи ва мураббийлар кuni билан самимий муборакбод этаман.

Мана шундай қувончли кунда сиз, меҳрибон устозларга эл-юртимизнинг юксак ҳурмат-эҳтиромини яна бир бор изҳор этиб, барчангизга Янги Ўзбекистон келажagini яратиш йўлидаги машаққатли ва шарафли меҳнатингиз учун чин қалбдан ташаккур билдираман.

Ҳурматли устоз ва мураббийлар!

Яқинда сизлар билан бўлиб ўтган очик, айтиш мумкинки, тарихий мулоқотимизда таълим-тарбия тизимидаги ишларимизни чуқур таҳлил қилиб, уларни янги босқичга қўтариш бўйича аниқ мақсад ва режаларни белгилаб олдик.

Кuni кеча Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 80-сессиясида таълим соҳасидаги ислохотларимиз натижалари жаҳон ҳамжамиятида катта эътибор ва қизиқиш уйғотди. Бу борада биз эришган ютуқлар халқаро аҳамиятга эга бўлган янги ташаббусларни илгари суриш учун асос бўлди.

Хусусан, кейинги саккиз йилда юртимизда таълим ва илм-фан учун харажатлар 6 карра оширилиб, 378 триллион сўмни ташкил этгани, юзлаб янги боғчалар, мактаб, техникум ва олийгоҳлар қурилгани, таълим ва илм даргоҳларини замон талаблари асосида жиҳозлаш, устоз ва мураббийларнинг меҳнатини муносиб қадрлашга қаратилган дастурларимиз алоҳида эътироф этилди.

Бу ҳақда гапирганда, мамлакатимизда қисқа муддатда боғчалар сонини 5200 дан 38 мингга, камров даражасини 27 фоиздан 78 фоизга оширганимиз, тарбиячилар маоши мактаб ўқитувчилари ойлигига тенглаштирилгани, ушбу муассасалардаги раҳбар ва педагоглар маоши қарийб 2 баробар оширилганини таъкидлаш лозим.

Келгуси йилдан Қорақалпоғистон ва барча вилоятларда Президент мактаблари каби “Янги авлод” боғчалари ташкил этилиб, уларда тарбиячилар илғор педагогик технологияларни ўрганади.

Фарзандларимизга билим ва тарбия беришнинг энг муҳим босқичи – мактаб таълимини ривожлантириш доимий эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда. Сўнгги йилларда 500 га яқин янги мактаблар барпо этилиб, мавжудлари кенгайтирилгани ҳисобидан 1 миллион ўқувчи ўрни яратилди. Хусусий мактабларга йўл очилиши туфайли ота-оналар ва ўқувчилар учун танлаш имконияти пайдо бўлди. Бугунги кунда 200 мингдан зиёд ўғил-қизларимиз ана шундай мактабларда ўқимоқда.

Янги ўқув йилидан 12 йиллик мактаб таълими ҳамда 9- ва 11-синф ўқувчилари учун ягона давлат имтиҳонлари жорий қилиниб, уларнинг натижалари бўйича битирувчилар бевосита техникум ва олийгоҳларга кира оладиган тартиб йўлга қўйилади.

Ҳаммамизга аёнки, келажак – замонавий билим билан қуролланган касб-хунар эгалариникидир. Биз бу ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим. Шу боис ёшларимизни давр билан ҳамнафас бўлиб, ҳар қандай рақобатга бардош бера оладиган етук мутахассислар этиб тарбиялашимиз керак.

(Давоми 2-саҳифада)

ҚУЁШ ВА САҲРОЛАР ЎЛКАСИ ИОРДАНИЯДАН ЎЗБЕКИСТОНГА НАЗАР:

СУВ НАРХИ ВА ҚАДРИ ОЛТИНДАН ЮКСАК ЮРТ ТАЖРИБАСИ

Амман, Иордания... Бу номни эшитганда кўпчиликнинг кўз ўнгига Петра қоялари, Ўлик денгизнинг шифобахш сувлари ва чексиз қум барханлари гавдаланади. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари сифатида бу заминда хизмат сафари билан бўлар эканман, мен учун Иордания тамомила ўзгача қирраларини намойён қилди. Бу сув ҳар бир томчиси олтиндан қиммат бўлган, аммо шунга қарамай, деҳқоннинг меҳнати билан мўл-кўл ҳосил етиштирилаётган матонатли замин экан. Иордания қишлоқ хўжалигининг энг оғриқли нуқтаси – сув танқислиги муаммоси, унинг иқтисодий жиҳатлари ва унга қарши курашишда қўлланилаётган ақлли ечимлар ҳақида ўртоқлашишни истадим. Зеро, бу тажриба сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш долзарб бўлиб бораётган бизнинг юртимиз учун ҳам фойда муҳимдир.



Иорданиянинг сув ҳақиқати. Келинг, аввалига бир неча фактларга эътибор қаратайлик. Иордания дунёдаги сув танқислиги энг ўткир бўлган мамлакатлардан бири ҳисобланади. Мамлакатнинг қарийб 90 фоиз ҳудуди қурғоқчил ва ярим қурғоқчил иқлимга эга. Йиллик ёғингарчилик миқдори жуда паст бўлиб, аҳоли жон бошига тўғри келадиган йиллик сув миқдори халқаро меъёрлардан бир неча баробар кам. Бу шароитда қишлоқ хўжалиги мамлакат ялпи ички маҳсулотининг тахминан 5-6 фоизини

ташқил қилса-да, у мавжуд чучук сув ресурсларининг 50 фоиздан ортигини истеъмол қилади. 2017 йилги қишлоқ хўжалиги рўйхатида кўра, мамлакатда 107 мингдан ортиқ фермер хўжалиги мавжуд. Айнан мана шу фермерлар чекланган имкониятлар шароитида мамлакат аҳолисини мева-сабзавот билан таъминлашдек масъулиятли вазифани ўз зиммаларига олганлар.

Фермер учун ҳар бир томчиси қадрли бўлган сувнинг Иорданияда нафақат рамзий қиймати, балки тўғридан-тўғри молиявий қиймати

ҳам жуда юқори. Фермерлар учун сувнинг нархи унинг манбасига қараб кескин фарқ қилади. Иордан водийси каби нисбатан серҳосил ҳудудларда фермерлар давлатга қарашли каналлар ва қувурлар орқали сув оладилар. Бу сувнинг нархи субсидияланган бўлиб, ҳар бир метр кубини тахминан 0.055 Иордания динари (тахминан 900 сўм) атрофида. Гарчи бу энг арзон нарх бўлса-да, сув етказиб бериш ҳажми қатъий чекланган ва қўпинча эҳтиёжни тўлиқ қопламайди.

(Давоми 2-саҳифада)

“ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ 95 ЙИЛЛИГИ УЧУН 95 ТА АСАР”



Тошкент давлат аграр университетининг 95 йиллик юбилейи муносабати билан 18–27 сентябрь кунлари “Олтинқуз” Халқаро агротасвирий ва амалий санъат фестивали кенг кўламда бўлиб ўтди. Фестивалда Қозоғистон, Россия ва Ўзбекистоннинг таниқли рассомлари, шунингдек университетнинг 20 нафар иқтидорли талаба-ёшлари иштирок этиб, ўз асарлари билан санъат ихлосмандларига унутилмас лаҳзаларни тақдим этдилар.

(Давоми 2-саҳифада)



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Янгийўлда

КЎРGAЗМАЛИ СЕМИНАР ЎТКАЗИЛДИ

Яқинда Янгийўл туманидаги “Томорқачиликни ривожлантириш миллий маркази”да “Фермер хўжаликларидан инновацион лойиҳаларни жорий этиш орқали кўп тармоқли фаолиятни ривожлантириш вазифалари” мавзусида кўрғазмали семинар бўлиб ўтди.

Унда фермер хўжаликлари фаолиятида замонавий минитехникалар ва агрегатларнинг ўрни, фермер хўжаликларида сўри-ток усулида узум етиштириш ва интенсив боғ ташкил этиш тажрибалари, фермер хўжаликлари учун қуёш панелларининг афзалликлари, замонавий иссиқхона ташкил этиш ва ундан самарали фойдаланиш тажрибалари, қишлоқ хўжалигида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишнинг фаол усуллари – мобил энергия сақлаш тизимларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги объектларини энергия билан таъминлаш имкониятлари муҳокама қилинди. Тадбирга ҳудудлардан 170 дан ортиқ фермерлар, қайта ишлаш корхоналари ва соҳага масъул ташкилотлар раҳбарлари ва чет эллик мутахассислар тақлиф этилди.

Тадбирда таъкидланганидек, бу каби тадбирлар соҳани янада ривожлантириш, улкан ютуқларга эришган фермер ва деҳқонларимизнинг қимматли тажрибаларини юртимиз бўйлаб тарғиб қилиш асосида кўп тармоқли фермерликнинг қишлоқ хўжалигининг ажралмас ва муҳим йўналишига айланишига хизмат қилади.

Ўзбекистон фермерлари кенгаши ахборот хизмати

Оралиқ экинларнинг қишлоқ хўжалигидаги муҳим жиҳатлари

Айтиш мумкинки, тупроқнинг маҳсулдорлик қобилияти асосан иккита омилга, яъни унинг соғломлиги ҳамда унумдорлигига боғлиқ. Бу тушунчалар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, агар тупроқ соғлом бўлмаса, у унумдор бўла олмайди. Соғлом тупроқ унумдор бўлади, унумдор тупроққина мўлжалланган мўл ва сифатли ҳосилни бера опади. Ҳозирги кунда республикамызда қўлланилиб келинаётган интенсив деҳқончилик тизимида тупроқда органик модда миқдорини кўпайтириш ва уни сақлаб қолиш муҳим ва долзарб масалалардан ҳисобланади. Чунки, органик модда тупроқнинг соғломлигини, унумдорлигини, унинг физикавий, кимёвий ҳамда биологик хусусиятларини белгилаб, экинлар ҳосилдорлигига ижобий таъсир этади. Тупроқ унумдорлигини оширувчи кўплаб табиий ва сунъий усуллар мавжуд бўлиб, республикамызда кўпроқ қишлоқ хўжалиги экинларини алмашлаб экиш ҳамда тупроққа маҳаллий органик ўғитлар киритиш усули нисбатан кенгроқ қўлланилади. Бироқ мазкур усуллар вақт ва манба талаб этиши барчага маълум ҳақиқатдир.

(Давоми 3-саҳифада)



Бир йил ичида 100 та техникумда Германия, Буюк Британия, Швейцария, Хитой, Корея Республикаси каби ривожланган мамлакатларнинг таълим ташикilotлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилиб, уларнинг илгор ўқув дастурлари жорий этилади

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

(Боши 1-саҳифада)

Шу мақсадда ташкил этилаётган Касбий таълим агентлигидан умидимиз катта. Ушбу агентлик касб таълими соҳасига, мавжуд техникумларга халқаро стандартлар асосида янги ҳаёт нафасини олиб кириши зарур.

Бир йил ичида 100 та техникумда Германия, Буюк Британия, Швейцария, Хитой, Корея Республикаси каби ривожланган мамлакатларнинг таълим ташкилотлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилиб, уларнинг илгор ўқув дастурлари жорий этилади. Жумладан, Англиянинг “Пирсон” компанияси билан ҳудудлардаги 14 та техникумда “БИТЕК” халқаро дастури орқали ёшлар туризм, ахборот технологиялари, тиббиёт, қурилиш, логистика, электротехника, энергетика, машинасозлик, биотехнология, креатив иқтисодиёт каби йўналишларда талаб юқори бўлган касбларни эгаллайди.

Мамлакатимизда дуал таълим билан қамров 5 баробар оширилади. Айни пайтда янги технологияларни ўзлаштириш, чет эллик инвестор ва ҳамкорлар билан эркин мулоқот қилиш учун техникумлардаги хорижий тил соатлари тўрт карра кўпайтирилади.

Умуман, келгуси йилдан янги, рақамли очик платформа ишга туширилиб, унда техникум битирувчиларнинг касбий кўникмалари ҳақидаги маълумотлар маҳаллий ва хорижий иш берувчилар учун эълон қилинади.

Шу билан бирга, умумий ўрта таълим

муассасаларида мактаб маслаҳатчиси лавозими жорий этилиб, улар 7-синфдан бошлаб ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш билан шуғулланади.

Барчангизга маълумки, биз кейинги йилларда олий таълим масаласига устувор аҳамият қаратмоқдамиз. Амалга оширилган ислохотларимиз натижасида ўтган саккиз йил ичида олийгоҳларимиз сони 77 тадан 202 тага, талабалар сони эса 250 мингдан 1,5 миллионга етди. Ёшлар учун олийгоҳларга киришда танлов имконияти кўпайтирилди. Мазкур таълим муассасаларида дарс берадиган ўқитувчиларнинг ойлиги сезиларли даражада оширилди.

Фаннинг муайян соҳасида тадқиқотлар олиб бориб, аниқ натижага эришаётган олимларимизнинг асосий қисмини профессор-ўқитувчилар ташкил этаётгани айниқса эътиборлидир.

Қадрли дўстлар!

Биз ўқитувчи ва устозлик касбининг мақоми ва нуфузини оширишга ҳал қилувчи масала сифатида қарамоқдамиз. Шу боис соҳа ходимларининг меҳнат ва яшаш шaroитини яхшилаш ислохотларимизнинг энг устувор йўналиши бўлиб қолади. Жумладан, янги йилдан бошлаб камида 15 йил стажга эга бўлган олий тоифали педагогларга ипотека кредити бошлангич бадалининг 25 фоизи қоплаб берилади.

Келгуси ўқув йилида давлат олийгоҳларига ўқишга кирган педагоглар фарзандларининг контракт суммасига 30 фоиз

чегирма жорий этилиши мўлжалланмоқда. Ўқитувчиларнинг замонавий компьютер техникаларини харид қилишлари учун 10 миллион сўмгача имтиёзли кредит ажратилади. Янги йилдан соҳа ходимлари учун давлат хизматлари тўлови икки карра камайтирилади. Дунёдаги ТОП-300 талик олийгоҳларга ўқишга кирган бўлғуси педагогларга 20 минг долларгача имтиёзли таълим кредити ажратилади.

Мухтасар айтганда, ўқитувчи ва мураббийлик касбини жамиятимиздаги энг муҳим ва обрўли касбга айлантириш бўйича бошлаган ишларимиз изчил давом эттирилади.

Мухтарам устозлар, азиз мураббийлар!

Юртимиз тарихидаги икки буюк Ренессансни яратган улуг мутафаккир ва алломаларни ҳам ўз вақтида сиз каби ўқитувчи ва муаллимлар тарбиялаб вояга етказган. Бу эзгу анъаналарнинг давомчилари сифатида сиз, азизлар ҳам бугун жонажон Ватанимизда барпо этилаётган Учинчи Ренессанс бунёдкорларини камол топтиришга муносиб ҳисса қўшасизлар, деб ишонаман.

Ана шундай олижаноб мақсад йўлида сизларга мустаҳкам соғлик, куч-ғайрат, янги ютуқлар ва оилавий бахт тилайман.

Барчангизга ҳамиша эл-юртимиз, шоғирдларингизнинг ҳурмат ва ардоғида бўлиш насиб этсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ҚУЁШ ВА САҲРОЛАР ЎЛКАСИ ИОРДАНИЯДАН ЎЗБЕКИСТОНГА НАЗАР:

СУВ НАРХИ ВА ҚАДРИ ОЛТИНДАН ЮКСАК ЮРТ ТАЖРИБАСИ

(Боши 1-саҳифада)

Кўплаб фермерлар ўз ерларидан қудуқ қазиб, сув чиқаришга мажбур. Бу ерда харажатлар бир неча баробар ортади. Биринчидан, қудуқдан сув тортиб олиш учун сарфланадиган электр энергияси қиммат. Иккинчидан, ҳукумат ер ости сув ресурсларини сақлаш учун қатъий назорат ўрнатган ва сув олиш учун лицензия талаб этилади. Натижада, насос орқали чиқарилаётган сувнинг бир метр куби фермерга 0.10 дан 0.16 диноргача (1600 сўмдан 2600 сўмгача) тушади. Энг қиммат ва айни пайтда энг сўнгги чора бу сувни танкерларда сотиб олиш. Қуրқоқчилик авжига чиққанда ёки давлат тармоғидаги сув етишмаганда, фермерлар хусусий сув ташувчиларга мурожаат қилишади. Бундай шарoитда бир метр куб сувнинг нархи кескин ошиб, 1 дан 5 диноргача (16 500 сўмдан 82 500 сўмгача) етиши мумкин. Бу нарх сувнинг сифатига ва масофага қараб ўзгаради. Ушбу рақамлар Иордания фермери учун сув тежовчи технологиялар шунчаки инновация эмас, балки иқтисодий омон қолишнинг ягона йўли эканлигини яққол кўрсатиб турибди. Ҳар бир томчи ҳисобда. Иорданиялик фермерларнинг сирини нимада? Иорданиялик тадбиркорлар ва фермерлар билан бўлган учрашувлар давомида мен уларнинг сувга бўлган муносабати тубдан ўзгача эканлигига гувоҳ бўлдим. Юқорида айтилган қиммат нархлар сабабли, ҳар бир фермер ўз даласида цементланган ёки махсус плёнка билан қопланган катта сув сақлаш ҳовузларини барпо этган. Сув шу ҳовузларда тўпланиб, ундан тежамкорлик билан фойдаланилади.



Мамлакатда анъанавий сўғориш усулларида деярли тўлиқ воз кечилган. Экин майдонларининг мултак кўпчилиги томчилатиб сўғориш технологияси билан жиҳозланган. Бу технология сув сарфини 70-80 фоизгача камайитиришга имкон беради. Албатта, бундай қиммат технологияларни жорий этишда давлатнинг қўллаб-қувватлаши муҳим ўрин тутади. Иордания ҳукумати фермерларга қатор йўналишларда катта ёрдам кўрсатади. Томчилатиб сўғориш тизимларини ўрнатиш учун қилинадиган харажатларнинг салмоқли қисми давлат томонидан субсидияланади. Сув тежовчи технологияларни жорий этиш, насос станцияларини модернизация қилиш ёки сув сақлаш ҳавзаларини қуриш учун фермерларга узоқ муддатли, паст фoизли кредит ва махсус грантлар ажратилади.

Шуни aloҳида айтиб ўтиш керакки, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги делегациясининг Иорданияга хизмат сафари давомида қатор учрашув ва музокаралар ўтказилиб, қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, уруғчилик ва савдо соҳаларида ҳамкорликнинг янги йўналишлари белгилаб олинди. Жумладан, “Гроутеч” компанияси билан келишилган лoйиҳа Ўзбекистоннинг 9 та туманида (Қитбо, Шахрисабз, Булунгур, Бахмал, Бўстонлик, Сўх, Янгихўрғон, Қўрғонтепа, Зомин) амалга оширилади. У қишлоқ хўжалиги экинларини бошқаришда сунъий интел-

лект, масофавий зондлаш ва йўлдош технологияларидан фойдаланишни назарда туттади. Бундай инновация ҳосилдорлиқни аниқ прогноз қилиш, сув ва ер ресурсларидан тежамкор фойдаланиш, фермерлар қарорларини илмий маълумотлар асосида қабул қилиш имконини беради. Агар пилот лoйиҳа муваффақиятли чиқса, уни бутун республика бўйича кенгайтириш режалаштирилган.

Иордания Қишлоқ хўжалиги вазири Сааб Кхaресат билан музокаралар натижасида сувсизлик ва шўрға чидамли помидор, буғдой ва арпа навларини Ўзбекистонда маҳаллийлаштиришга келишилди. Бу йўналиш Ўзбекистон учун айниқса, долзарб, чунки иқлим ўзгариши ва сув ресурсларининг чекланганлиги аграр соҳада янги ёндашувларни талаб қилмоқда. Иордания тажрибаси эса, қийин табиий шарoитларда ҳам юқори ҳосилдорликка эришшнинг ёрқин намунаси. Шунингдек, Иордания Миллий қишлоқ хўжалиги тадқиқот маркази билан музокараларда қишлоқ хўжалиги экинлари ген банки орқали генетик ресурслар алмашиш бўйича келишувга эришилди. Ўзбекистон халқаро “Ўсим-ликлар генетик ресурслари бўйича шартнома”га (ИТПГРФА) қўшилиши масаласини кўриб чиқмоқда. Бу ташаббус миллий генетик ресурсларни химоя қилиш, турфа навларни сақлаш ва халқаро ҳамкорликда улардан фойдаланиш учун муҳим кадам ҳисобланади.

Иорданиянинг йирик савдо компаниялари ва-киллари билан учрашувларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди. Ўзбекистондан нўхат, майиз, ёнғoқ ва бир қатор мева-сабзавот маҳсулотларини Иордания бозорига етказиб бериш режалаштирилмоқда. Шунингдек, “Маде ин Ўзбекистан” бренди остида қишлоқ хўжалиги ва oзиқ-овқат маҳсулотлари ярмаркаларини ташкил этиш ҳақида дастлабки келишувга эришилди.

“Мобедсо” компанияси билан ветеринария препаратлари ва пестицидлар ишлаб чиқариш соҳасида ҳамкорлик йўлга қўйилади. Бу йўналиш Ўзбекистонда агрокимё маҳсулотларини локаллаштириш ва фермерларга сифатли воситаларни арзон нархларда тақдим этишга хизмат қилади.

Шунингдек, ташир доирасида яна бир муҳим келишувга эришилди. Иордания томони Ўзбекистонга 4 та “Авасси” қўйлари ҳамда сунъий уруғларини тақдим этади. Бу зот суг махсулдорлиги юқори ва маҳаллий иқлимга мослашувчанлиги билан ажралиб туради. Маҳаллий қўй зотлари билан ча-тиштириш орқали чорвачилиқда самарадорлиқни ошириш ва янги иқтисодий имкониятлар яратилиши кутилмоқда.

Иордания Экспортёрлар ва ишлаб чиқарувчилар уюшмаси билан келишувга кўра, Ўзбекистонда Иорданиянинг юқори умумдор помидор, бодринг ва маккажўҳори навлари синовдан ўтказилади. Бу эса уруғчилик соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириб, маҳаллий аграр тармоқни янги илмий натижалар билан бойитади.

Ўзбекистон ва Иордания ўртасидаги қишлоқ хўжалиги соҳасидаги яқинлашув нафақат икки мамлакат манфаатларига хизмат қилади, балки минтақавий аҳамиятга ҳам эга. Сув танқислиги шарoитида чидамли навларни жорий этиш, сунъий интеллект ва йўлдош технологияларидан фойдаланиш, чорвачилик ва уруғчиликда илгор тажрибаларни ўзлаштириш – буларнинг барчаси Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини янги босқичга олиб чиқади.

Бугунги бепарволик эртанги фалокатга айланиши мумкин. Иордания тажрибаси биз учун шунчаки қизиқарли маълумот эмас, балки жиддий



огоҳлантиришдир. Бугун Иордания дуч келаётган ҳақиқат – сувни танкерда ташиб ичиш, ҳар метр кубини учун катта пул тўлаш – иқлим ўзгаришлари ва сувга бўлган муносабатимизни ўзгартирмасак, бизнинг ҳам эртанги кунимизга айланиши мумкин. Шу боис, ҳар биримиз ҳушёр бўлишимиз шарт. Биз анъанавий, исрофгарчиликка асосланган сўғориш усулларида зудлик билан воз кечишимиз керак. Сувни тежайдиган ҳар қандай технология ортиқча ҳашамат эмас, балки хўжалигингизнинг умрини узайтиришга қаратилган ҳаётий сармоядир. Суви кам ҳудудларда ҳаддан ташқари кўп сув талаб қиладиган экинларни экишдан тийилиб, ўрнига бозорга рақобатбардош, аммо камхарж навларни танлаш нафақат иқтисодий, балки экологик жиҳатдан ҳам тўғри йўлдир. Иордания бизга шунини ўргатадики, сувга тежамкорлик маданиятини бугундан шакллантирмасак, эртага уни Иордания фермерлари каби “олтин” нархида сотиб олишга мажбур бўлишимиз мумкин.

Ҳурматли деҳқонлар ва фермерлар!

Иорданиядаги мураккаб вазиятни кўриб, “бундай технологияларни жорий қилиш қимматга тушади”, деган хулосага шошилманг! Аксинча, Ўзбекистонда бугун сиз учун кенг имкониятлар эшиги очик. Мухтарам Президентимизнинг бевосита ташаббуслари билан сувни тежашни рағбатлантириш бўйича мислсиз чоралар кўрилкоқда. Жумладан, тўғридан-тўғри субсидиялар: томчилатиб сўғориш технологиясини жорий қилгангизда, ҳар бир гектар майдон учун давлат бюджетидан 8 миллион сўмгача субсидия ажратилади. Ёмғирлатиб сўғориш учун бу кўрсаткич 4 миллион сўмни, дискретли (пулсар) сўғориш учун эса 1 миллион сўмни ташкил этади. Бу харажатларингизнинг салмоқли қисмини қоплаш демакдир. Сув тежовчи технологияларни жорий этган фермер хўжаликлари 5 йил муддатга ер солиғидан тўлиқ озод этилади. Бу сизнинг ихтиёрингизда қоладиган катта маблағ бўлиб, уни хўжалигингизни янада ривожлантиришга йўналтиришингиз мумкин. Тижорат банклари томонидан сув тежовчи ускуналар хариди ва қурилиш-монтаж ишлари учун имтиёзли кредитлар тақдим этилмоқда. Бундан ташқари, сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш бўйича лoйиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш харажатлари ҳам давлат томонидан қопланиши кўзда тутилган.

Азиз юртдошлар!

Қўриб турганингиздек, давлатимиз сизни бу йўлда ёлғизлатиб қўймайди. Бугун ҳаракат қилмасак, эртага кеч бўлади. Жойлардаги туман қишлоқ хўжалиги бўлимларига, фермерлар кенгашларига мурожаат қилинг, ушбу имкониятлардан тўлиқ фойдаланинг. Сувни асраш нафақат ҳосилдорликни ошириш, балки Ватанимиз келажаги олдидаги барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Жамшид АБДУЗУХУРОВ,

Қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари.



“ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ 95 ЙИЛЛИГИ УЧУН 95 ТА АСАР”

(Боши 1-саҳифада)

Фестиваль университет ҳудудида ҳамда Тошкент вилояти, Жиззах, Самарқанд вилоятлари, шунингдек Бўстонлик, Заркент, Паркент, Зомин, Тойлоқ ва Ургут туманларида ўтказилган ижодий пленерлар орқали ўзига хос бадиий майдонга айланди. Рассомлар ва талабалар табиат қўйнида яратилган асарларида куз фаслининг бетакрор рангларини, қишлоқ хўжалиги манзараларини ҳамда қадимий масканларнинг маънавий руҳини турли услубларда тасвирлаб бердилар.

Фестиваль доирасида маҳорат дарслари, очик осмон остидаги машғулотлар, давра суҳбатлари, ижодий сафарлар ва кўргазмалар ташкил этилди. Жумладан, Самарқанд вилоятининг Тойлоқ ва Ургут туманлари, қадимий Регистон майдони, Бибиҳоним масжиди ва Шоҳи Зинда мажмуасида пленерлар бўлиб ўтди. Паркент туманида рассомлар тоғ манзаралари ва узумзорларни, Зоминда эса тоғли масканлар ҳамда табиат қўйнидаги манзараларни тасвирладилар. Ҳар бир пленер якунида кичик кўргазмалар ташкил этилиб, иштирокчилар бир-бирининг ижодий ишлари билан танишдилар ва тажриба алмашдилар.

Фестивалнинг очилиш маросими Тошкент давлат аграр университетида бўлиб ўтди. Университет ректори Н. Обломуратов кириш сўзи билан иштирокчиларни табриклади. Тадбир давомида профессионал рассомлар ва ёш ижодкорлар ўзаро тажриба алмашиб, ижодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлида самарали мулоқот



олиб бордилар. Шунингдек, фестивални ташкил этишда Ўзбекистон Бадиий академияси ва Туризмни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти яқиндан ҳамкорлик қилди.

27 сентябрь куни фестивалнинг тантанали якуний маросими бўлиб ўтди. “Тошкент давлат аграр университети 95 йиллиги учун 95 та асар” номли кўргазма очилди ва концерт дастури тақдим этилди. Лента кесиш маросимида университет ректори Н. Обломуратов ҳамда фестиваль куратори А. Мамасалиев иштирок этдилар.

“Олтинкуз” фестивали ёшлар учун ўз истеъдодини намoён этиш, тажрибали рассомлардан сабоқ олиш, халқаро ижодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, шунингдек миллий кадриятларга ва маданий меросимизга бўлган меҳрини янада оширишда муҳим аҳамият касб этди. Фестиваль санъат ихлосмандлари учун нафақат ижодий майдон, балки туризм, табиат ва маданиятни уйғунлаштирган йирик маданий майдон бўлиб хизмат қилди.

Ўз мухмиримиз.



Тегишли текширувлар натижасида ҳақиқатдан ҳам бола жавобгарнинг қонуний никоҳсиз туғилган фарзанди бўлиб чиқса, унда оталик белгиланади ва Оила кодексининг 96-моддасига биноан ота-оналар фарзандлари учун таъминот бериш мажбуриятига эга бўлгани ҳисобига қонуний никоҳсиз туғилган фарзандлар учун ҳам алимент ундириш мумкин. Алимент воғга етмаган фарзандлар учун ҳам вояга етган меҳнатга лаёқатсиз фарзандлар учун ҳам қонуний ҳихоҳдан туғилган ёки халқ тили билан айтгандан шаръий никоҳдан туғилганидан қатъий назар фарзандлар сонига қараб бир хил миқдорда белгиланади.

Алимент миқдорини фақат суд белгилайдими?

Йўқ. Оила кодексининг 98-моддасига биноан ота-оналарнинг ихтиёрий келишувига биноан ҳам белгиланиши мумкин лекин, ҳар бир бола учун ундириладиган алимент миқдори қонунчилик билан белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 26,5 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Ота-онадан болаларга ундириладиган алимент миқдори қандай белгиланади?

Ота-онадан болаларга ундириладиган алимент миқдори алимент тўловчининг ойлик иш ҳақига ва (ёки) бошқа даромадига нисбатан улушлар ҳисобида ёки пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланиши мумкин. Алимент тўлаши шарт бўлган ота-онанинг иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромади доимо бир хилда бўлмай, ўзгариб турса ёхуд даромадининг бир қисмини натура тарзида оладиган бўлса,

шунингдек, даромаддан улуш тарзида алимент ундириш имкониятлари бўлмаса ёнки ота-она расман белгиланган иш ҳақи ёки даромадга эга бўлмаса, воғга етмаган болаларнинг таъминоти учун тўланиши лoзим бўлган алимент миқдори ҳар ойда пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланиши мумкин. Яъни ота-онанинг расмий ишга эга бўлмаслиги алимент тўлашдан бош тортиши учун асос бўлмайди.

Хулоса қилиб айтганда, қонуний никоҳсиз туғилган фарзандлар ва қонуний никоҳда бўлган шахслар ўртасида туғилган фарзандлар бир хил ҳуқуқ ва мақомга эга. Ўзбекистон қонунчилигида болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича замонавий, кенг қамровли ва амалий жиҳатдан самарали ҳуқуқий база мавжуд. Ушбу база орқали ҳар бир фарзанднинг ҳуқуқи қонун ҳимояси остида.

Гулсанам ҒАПУРОВА,

Тошкент давлат юридик университети талабаси.

Эълонлар

Зайдова Валида Мирзаумаровна номига 1993 йил 22 январда 05-02/2583 рақами билан берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.	Бектемирова Светлана Мамаджановна номига 1993 йил 22 февралда 07-01/6348 рақами билан берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.
Павлова Лидия Викторовна номига 1993 йил 14 январда 01-02/2594 рақами билан берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.	Саттаров Надр Галпарович номига 1993 йил 8 январда 08-01/1071 рақами билан берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

Оралиқ экинларни кенг қўллаш сўғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини, яъни коэффициентини қўпайтиради, тупроқ унумдорлигини ошириб, уни мунтазам сақлаб туришга ёрдам беради, чорвачиликда ем-хашак базасини мустаҳкамлайди

ИСМОИЛ ҲАКИМОВИЧ ЖЎРАБЕКОВ

Атоқли давлат ва жамоат арбоби, Ўзбекистон Республикаси сув ҳўжалиги вазирининг маслаҳатчиси Исмоил Ҳакимович Жўрабеков шу йил 28 сентябрь куни 94 ёшида вафот этди.

И.Жўрабеков 1931 йил 12 сентябрда Самарқанд шаҳрида ишчи оиласида туғилди. Ўрта мактабни тугатгандан сўнг Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида муҳандис-гидротехник мутахассислиги бўйича таълим олди. Меҳнат фаолиятини 1955 йилда Самарқанд вилоятининг Пастдаргом туманидаги 8-жамоа ҳўжалигида муҳандис-гидротехник сифатида бошлади. Кейинчалик ушбу туманда Сўғориш маркази бошлиғи, Ўзбекистон сув ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Самарқанд вилояти қурилиш-монтаж бошқармаси бошлиғи, “Сувқурилиш” трести бошқарувчиси, сув ҳўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари, мелиорация ва сув ҳўжалиги вазири каби масъул лавозимларда самарали меҳнат қилиб, республикамизда ирригация ва мелиорация соҳасини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшди.

Ташкилий-ҳўжалик ишларига раҳбарлик қилиш борасида катта билим ва тажрибага эга бўлган И.Жўрабеков 1985 йилда янада масъулиятли вазифа – Ўзбекистон Вазирлар Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари этиб тайинланди.

Ватанимиз истиқлолга эришгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари сифатида давлатимиз мустақиллигининг ижтимоий-иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш, мамлакатимиз олдида турган ғоят серқирра ва кенг қўламли вазифаларни бажариш йўлида жонбозлик кўрсатди. Хусусан, ижро ҳокимияти институтлари фаолиятини самарали йўлга қўйиш, маҳаллий ҳокимликлар ишнини мувофиқлаштириш, қишлоқ ҳўжалигида ислохотларни амалга ошириш, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, соҳанинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш борасида ташкилотчилик ва ташаббускорлик фазилатларини намоийш этди.

И.Жўрабеков Давлат сув назорати бошлиғи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси лавозимларида ҳам самарали фаолият олиб борди.

Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган кенг қўламли ислохотларимизни амалга оширишда И.Жўрабеков, мўътабар ёшда бўлишига қарамаздан, сув ҳўжалиги вазирининг маслаҳатчиси сифатида хизмат қилиб, ўзининг бой билим ва тажрибаси, қимматли маслаҳатлари билан соҳани ривожлантириш, ёш кадрларни тарбиялаш ишларида фаол иштирок этди.

И.Жўрабековнинг халқимиз ва Ватанимиз олдидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор” фахрий унвони, “Меҳнат шухрати”, “Дўстлик”, “Фидокорона хизматлари учун”, “Эл-юрт ҳурмати”, “Буюк хизматлари учун” орденлари билан мукофотланди.

Таниқли давлат ва жамоат арбоби, самимий ва камтарин инсон, ёшларнинг меҳрибон устози Исмоил Жўрабековнинг хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Ш.МИРЗИЁЕВ, Т.НОРБОЕВА, Н.ИСМОИЛОВ, А.АРИПОВ



(Боши 1-саҳифада)

Дунёнинг пахта етиштирувчи кўпгина давлатларида тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш ўз шароитларидан келиб чиқиб, маълум бир вақт оралиғида биологияси ўша тупроқ иқлим шароитига мос келадиган оралиқ экинларни экиб, уларни кўк ўғит сифатида ерга ҳайдаб юбориш, яъни тупроққа жуда катта органик масса киритиш билан амалга оширилади. Ташкиллангандек, мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалигидаги бажарилаётган ишлар интенсив деҳқончилик тизимида олиб борилаётганлиги боис қишлоқ ҳўжалиги фаолиятини ҳам интенсив илғор инновацион ёндашувлар, янги ғоялар, таклиф ва тавсиялар асосида шакллантириш талаб этилади. Тупроқ унумдорлигини ошириш, уни мунтазам равишда унумдор сақлаш бўйича энг интенсив усул эса кузда ғўза қатор орасига ёки очиқ майдонда кузги-қишки оралиқ экин экиш, улардан сидерат, яъни “яшил ўғит” сифатида фойдаланишдир. Бунинг асоси сифатида айтиш мумкинки, республикамизнинг иқлим шароити ҳам куз-қиш ойларида қишқи деҳқончилик юритиш учун жуда қулай ҳисобланади. Айтиш керакки, мамлакатимиз деҳқончилигида Фотосинтетик актив радиация (ФАР) дан фойдаланишни юқори коэффицентда, деб бўлмайди. Чунки, аксариyat ҳолларда пахта ҳосили йиғиштириб олингандан кейин бошоқли дон экинлари экилмайдиган майдонлар келгуси йил чигит экиш мавсумига қадар ерга тушаётган ФАРдан фойдаланмасдан қолмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, республикамиз шароитида ноябр ойдан апрел ойига қадар кўёшли кунлар вилоятлар kesимида ўртача 2200 соатдан 2900 соатни, кун ҳисобига 90 кундан 120 кунни ташкил этади. Бу вақт оралиғида, яъни ноябр ойдан апрель ойига қадар бир сантиметр квадратга ўртача 25-27 ккал. ФАР тушади. Бу эса

юртимиз далаларига тушадиган йиллик ФАРнинг 35-40 фоизини ташкил этади. Ушбу оралиқда тушадиган ФАРдан фойдаланишнинг ягона йўли эса пахта ҳосили йиғиштириб олингандан сўнг бўш қолган майдонларга оралиқ экинлар экишдир.

Оралиқ экинлар экиш орқали ФАРнинг фойдали коэффициентини қўпайтириш имкониятига эга бўламиз. Тупроқларимиз арзон ва фойдали фаол биологик энергия билан бойитилади. Органик модда ва илдиз ажратмалари орқали микробиологик жараёнлар тезлашиб, тупроқ унумдорлиги тиклана боради. Оралиқ экинларнинг тупроқдаги микроорганизмларга таъсири натижа-сида тупроқда ўсимлик учун ўзлаштира оладиган нитрат ва фосфат бирикмалар заҳираси вужудга келади. Тупроқда азото ва фосфоро бактерлар учун озуқа манбаи вужудга келади.

Маълумки, қишлоқ ҳўжалиги экинлари парваришида қўлланилаётган маъдани ўғитларнинг бир қисми ўсимлик томонидан ўзлаштирилса, бир қисми биосфера томонидан сингдирилади ёки ювилиб, ер ости сизот сувларига қўшилиб кетади, қолган қисми эса ўзлаштирилмасдан тупроқда қолади. Мазкур майдонларга оралиқ экинлар экилганда эса қолдиқ азот, фосфор, калий ва бошқа микроэлементлар ўсимликлар томонидан ўзлаштирилади, асосийси бу бирикмаларнинг экологияга таъсири камаяди. Оралиқ экинлар майдонларида бактериялар, фойдали замбуруғлар сони 10-15 мартагача кўпаяди, бетона ўтлар сони 3-4 мартага камаяди, вилт инфекцияси хавфи пасаяди. Оралиқ экинларга рапс, перко, хантал, кўк нўхат, жавдар, шабдор, берсим, клевер, эспарцет, вика каби экинлар ва уларнинг аралашмалари киради. Бу экинлар куз ойларида экилганда март ойининг охирларида ҳар бир гектар майдонда ўртача 300-400 центнер кўк масса

тўплайди, бу эса 85-90 центнер қуруқ массага тенгдир. Оралиқ экинлар йил келишига боғлиқ ҳолда март ойининг иккинчи ярмида аввал махсус техникалар ёрдамида майдаланиб, далага сочилиб, сўнгра ҳайдов ишлари амалга оширилади. Оралиқ экинлар 60-70 кун давомида чириб, ҳар гектар майдонга 100-120 кг. азот ва шунча микдорда фосфор ва калий қолдиради. Ҳатто, оралиқ экинларнинг ер устки қисми йиғиштириб олингандан сўнг ҳам далада қоладиган поя, илдиз ва барг қолдиқлари билан дала ҳайдалганда гектарига 10 тоннадан кўпроқ органик масса тупроққа кўмилиб, бу 50-60 кг. органик бирикма ҳолидаги азотга тенгдир.

Тупроқ унумдорлиги паст бўлган майдонларда қишлоқ ҳўжалиги экинлардан юқори ҳосил олишнинг ечими сифатида кўпинча минерал ўғитлардан имкон қадар юқори меъёрларда фойдаланилаётганлиги, бу эса маҳсулот ишлаб чиқаришда рентабелликнинг пасайишига сабаб бўлаётганлиги, айниқса, тупроқларда экологик мувозанат йўқолиб бораётганлиги инobatта олинса, куз-қиш ойларида бўш қолаётган майдонларга оралиқ экинларни сидерат сифатида экиб, улардан кўк ўғит сифатида фойдаланиш тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш ҳамда экинлардан нисбатан юқори, сифатли ҳосил олишдаги муҳим агротехник тадбирлардан ҳисобланади.

Оралиқ экинларнинг чорва озуқа-ем базасини мустаҳкамлаш борасидаги аҳамиятини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Оралиқ экинлар кузда (октябрь-ноябр) экилиб, уларнинг яшил массасини эрта баҳорда, бўйининг баландлиги 45-50 см. бўлганда махсус техникалар ёрдамида ўриб олиш мумкин. Илмий тадқиқотлардан олинган маълумотларга кўра, оралиқ экинлар: рапсдан 360-380 ц/га, жавдардан 300-310 ц/га, кўк нўхатдан 360-370 ц/га, ханталдан

340-350 ц/га, шабдордан 190-200 ц/га, хантал ва шабдорнинг икки компоненти аралашмасидан 380-420 ц/га, арпа ва шабдорнинг аралашмасидан эса 280-300 ц\га микдорида кўк масса ҳосили олиш мумкин. Бу эса оралиқ экинлар экилган майдонларнинг ҳар бир гектаридан 60 центнергача озуқа бирлиги етиштириш демакдир. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, етиштирилган озуқа бирлиги таркибида протеин сақлаш жиҳатидан чорва моллари учун белгиланган меъёрдан ҳам баланд туради. Масалан, йирик шохли моллар учун бир озуқа бирлигида протеин микдори меъёр бўйича 120 г.ни ташкил этса, оралиқ экинларда мазкур микдор 200 г.дан кўпроқни ташкил этади. Оралиқ экинларнинг яна бир муҳим иқтисодий жиҳати шундаки, мазкур экинларни етиштиришда ишлаб чиқариш харажатлари жуда кам бўлиб, етиштиришда арзонлиги бўйича бошқа ем-хашак экинларидан ажралиб туради. Умуман олганда, оралиқ экинларни кенг қўллаш сўғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини, яъни коэффициентини қўпайтиради, тупроқ унумдорлигини ошириб, уни мунтазам сақлаб туришга ёрдам беради, чорвачиликда ем-хашак базасини мустаҳкамлайди. Шулардан келиб чиқиб, оралиқ экинларнинг майдонини кенгайтириш, уларни киска навбатли алмашлаб экиш тизимларида маълум тартиб билан жойлаштириш, деҳқончиликнинг барча тармоқларида кенг қўллаш ва шунинг баробарида оралиқ экинларнинг янги навларини яратиш, уруғчилигини ташкил қилиш, турли тупроқ иқлим шароитларида тупроқ унумдорлигини ошириш ҳамда ем-хашак, пичан, силос, пичан уни, сенаж ва аралашмалар тайёрлаш учун парваришлаш агротехникасини ишлаб чиқиш қишлоқ ҳўжалигидаги муҳим ва долзарб масалалардан ҳисобланади.

Б.ХАЛИКОВ,
қишлоқ ҳўжалиги фанлари доктори, профессор.

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти.

Қоқшол одам ҳаётига катта хавф туғдирадиган касаллик бўлиб, уни клостридийдун тетани номли бактерия чақиради. Бу бактериянинг уруғлари (спораси) тупроқда, чангда ва ҳайвон нажасида йиллар давомида яшаб қолиши мумкин. Одам танасига кирганда эса энг кучли заҳарлардан бири – токсин ишлаб чиқаради ва натижада мушаклар қаттиқ тортилиб, оғриқли тиришишлар пайдо бўлади. Агар одам эмланмаган бўлса, қоқшол жуда хавфли кечади: касалликка чалинганлар вафот этиши мумкин. Қоқшол одамдан одамга юкмайди, танага фақат жароҳатлар орқали тушади.

Қоқшолдан ҳимояланишнинг энг самарали йўли – ЭМЛАНИШ

Мих, пичоқ, сим ёки ёғоч билан роҳатланиш, чуқур ва ифлос яралар, куйиш ёки музлаш, туғруқда стерилликка риоя қилинмаса чақалоқларга, шунингдек, жаррохлик ёки тиш даволашда тозалikka амал қилинмаса, касаллик кириб келиши мумкин. Оддий тирналиш хавф туғдирмайди, балки чуқур ва ифлос жароҳатлар муҳим ҳисобланади. Масалан, янги туғилган чақалоқларда киндик ичагини нотоза шароитда кесиб (уй шароитидаги туғруқлар) ёки унга айрим қадриятларга кўра кул, мой, тупроқ ёки доривор ўсимлик суриш ҳолатлари учрайди. Киндик ичаги очик яра бўлгани сабабли бактериялар учун кириш эшиги вазифасини бажаради ва қоқшол инфекциясини ривожланиши хавфи юқори бўлади. Шунингдек, хатна ёки кулоқ тешиш каби қадриятларимизга оид амалиётлар шифокор назоратисиз, уй шароитида бажарилганда, яралар тозаланмаса ва ифлос моддалар тушса, қоқшол кўзгатувчиси танага кириши мумкин. Айниқса, эмланмаган болаларда касаллик оғир кечади. Қоқшол касаллиги кўпинча 3-21 кун ичида намоён бўлади. Аввал бош оғриғи, чарчаш ва асабийлашиш сезилади, кейин жағ мушаклари тортилиб, одам оғзини очолмай қолади ҳамда ютишда қийналади. Мушаклар қаттиқ тортилиб, одам табассум қилгандек кўринади, орқа қисми қотади ва кучли спазмлар пайдо бўлади. Нафас олиш мушаклари ҳам тортилиб қолса, одам бўғилиб қолиши мумкин.

Қоқшол кўпроқ эмланмаганлар (кўчиб юрувчи, эмлашдан бош тортувчи), қишлоқда ер билан ишлайдиганлар,

чуқур яра олганлар, ҳомиладор аёллар ва уларнинг чақалоқлари, шунингдек, кекса ёшдаги одамларда учрайди. Касаллик оқибатида мушак тортилиши сабабли суюк синиши, мушак ёрилиши, бўғилиш, юрак ва нафас тўхташи каби оғир асоратлар юз беради. Даволаш жуда қийин, узоқ ва қиммат бўлиб, кўп ҳолларда шифохонада кўп вақт даволанишгага мажбур бўлишади. Қоқшолдан ҳимояланишнинг энг самарали йўли – эмлаш. Шунинг учун фарзандингизни ўз вақтида поликлиникада эмлатинг ва ўзингиз ҳам эмланинг! Агар жароҳат олсангиз, уйда даволанманг, зудлик билан поликлиникага мурожаат қилинг!

Дунё бўйлаб қоқшол касаллиги ҳолатлари сезиларли даражада камайган бўлса-да, айрим мамлакатларда ҳали ҳам учрайди. Масалан, Ҳиндистон, Покистон, Чод, Сомалия ва шимолӣ Африка мамлакатларида ушбу касаллик ҳали ҳам учраб туради.

Нега халқ орасида қоқшол касаллиги муҳокама этилмай қолди? Бу жамоатчиликнинг соғлиқни сақлашга бўлган эътибори ортгани, соғлиқни сақлаш тизимининг ривожланиши, инфратузилманинг яхшиланиши ва тиббий хизматларнинг кенгайиши тизимнинг самаралироқ ишлаши билан боғлиқ. Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари бошчилигида миллий эмлаш тақвимига асосан болаларга янги туғилган чақалоқларнинг соғлом бўлиши учун катта микдорда маблаг ажратилган. Чақалоқликнинг 2 ойлигидан бошлаб 4 ойликгача 3 маротаба, 16 ойлигида, 7 ва 16 ёшда қайта эмланиш орқали касалликдан тўлиқ ҳимояланиш



мумкин. Шунингдек, чуқур жароҳатлар, уй шароитида туғилиш ҳолатлари ва бошқа хавфли вазиятларда давлат тиббий муассасаларида бепул профилактик эмлаш амалга оширилади.

Касаллик табиатда мавжуд бўлишига қарамай, унинг учрамаётганлиги иммунопрофилактиканинг энг катта ютуғидир ва вакциналарга бўлган ишончининг натижасидир. Эмланган одамда қоқшол ривожланмайди, ҳатто жароҳат бўлса ҳам, организм уни енгли ўтказади ёки бутунлай бартараф қилади. Бугун оддийгина эмлаш сизнинг ва фарзандингизнинг ҳаётини сақлаб қолиши мумкин. Қоқшол ҳар қандай ёшда учраши мумкин, лекин даволаш қийин ва хавфли, аммо эмлаш билан юз фоиз унинг олдини олиш мумкин. Шунинг учун эмланганлигингизга амин бўлсангиз, зудлик билан ўзингиз ва фарзандларингизни поликлиникага олиб бординг, эмланишни кечиктирманг!

Исmoilжон МЕХМОнов,
Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг Наманган вилояти бошқармаси врач-эпидемиологи.



МАҲАЛЛИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР РАҚОБАТБАРДОШЛИгини ОШИРИШ БУГУНГИ КУН ТАЛАБИ

Бугунги кунда, глобал озиқ-овқат бозори тобора рақобатлашиб бораётган бир шароитда, озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги ва сифати нафақат истеъмолчи соғлиғини, балки мамлакатнинг иқтисодий мустаҳкамлигини ҳам белгилаб берувчи муҳим омилга айланмоқда.

Айниқса, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш уларнинг рақобатбардошлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Юртимизда сўнги йилларда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ички бозорни сифатсиз маҳсулотлардан ҳимоя қилиш ва экспорт салоҳиятини ошириш бўйича кенг қамровли ислохотлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, замонавий талаблар, халқаро стандартлар, истеъмолчиларнинг онли танлови ва экологик хавфсизлик каби омиллар маҳаллий ишлаб чиқарувчилар олдида янги вазифаларни қўймоқда.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш деганда маҳсулотларнинг бутун ишлаб чиқариш занжири давомида гигиени қалаблар ва халқаро стандартларга қатъий риоя қилиниши тушунилади. Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг халқаро бозорда ўз ўрнини етгаллаши учун ISO 22000, НАССР ва бошқа халқаро сифат ва хавфсизлик стандартларини самарали жорий этиши жуда муҳимдир.

Юртимизда озиқ-овқат саноатини ривожлантириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини ошириш учун давлат томонидан ҳам кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, маҳсулот сифатини халқаро даражада баҳолаш, ишлаб чиқариш жараёналарини модернизация қилиш, сертификатлаштириш тизимларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини оширишда халқаро стандартларга асосланган замонавий ишлаб чиқариш технологияларини кенг жорий қилиш, маҳсулот сифатини баҳолаш учун замонавий лабораториялар ташкил қилиш ва уларни халқаро аккредитациядан ўтказиш, корхоналарда ISO 22000, НАССР каби халқаро сифат бошқарув тизимларини жорий этиш зарур. Шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун ўқув-тренинг



дастурлари, семинарлар ташкил қилиш орқали мутахассисларнинг малакасини ошириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки айнан етук мутахассислар халқаро талабларга мос маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларини самарали бошқара олади.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини ошириш орқали биз нафақат ички бозоримизни сифатли ва хавфсиз маҳсулотлар билан таъминлаймиз, балки экспорт имкониятларини ҳам кенгайтирамыз. Бу эса мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланишига хизмат қилади. Хулоса қилиб айтганда, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини ошириш бугунги куннинг долзарб талабларидан биридир. Бу йўналишда амалга оширилаётган ҳар бир сарф-ҳаракат халқимиз фаровонлиги ва мамлакатимиз иқтисодий ривожланишининг мустаҳкам пойдеворига айланади.

Шаҳзода ЭЛБОЕВА,

ТДАУ Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини стандартлаштириш ва сертификатлаш кафедраси ассистенти.

УСТОЗЛАРНИ ХУРМАТ ҚИЛИШ
ДИНИМИЗ ТАЛАБИ

ота-онасинни, устозини ғийбат қилса, Аллоҳ таоло шу инсоннинг дуоларини ижобат қилмайди, деганлар. Динимиз таълимотига қўра, ўзгаларга таълим берган киши нафақат дунёда иззат-қурметда бўлади, балки вафотидан кейин ҳам қолдирган манфаатли илми, таълим берган шоғирдларининг хизмати, ёзган асарларидан ўзгаларнинг фойдаланиши тўғрйли номаи амалига савоб тўхтовиси бориб туради. Шундай экан, устоз ва мураббийлар ҳар қанча эътизоланса, арзийди.

Мухаммадшокир БОБОЎЖАЕВ,
Норин туманидаги Умархўжа
эшон жомеъ масжиди имом хатиби.

Асрларни
қаримзан
ҚАДРИЯТЛАР

Сув ҳўжалиги вазирлиги жамоаси вазирнинг маслаҳатчиси,
давлат ва жамоат арбоби
Исмоил Ҳакимович ЖўРАБЕКОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур
ҳамдардли билдиради.

Гулжаҳон МАРДОНОВА,
филология фанлари доктори.